

Хабар

21
(714)-son

26-may

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

3 -бет

“ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР”

— дейди биз билан суҳбатда
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаш-
тириш агентлиги Навоий вилояти
худудий бошқармаси бошлиғи
Йўлдошмурот ЖЎЛИЕВ

5 -бет

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСГА ҲАМИША ТАЛАБ КАТТА

6 -бет

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ЦИФРОВОЙ ПОДПИСИ

7 - 10 -бет

Xabar-TV

11 -бет

“ROYAL MAIL GROUP” ЯНГИЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

12 -бет

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ

14 -бет

РАҲМАТ ЁМФИРЛАРИ ЁҚҚАН САҲАРЛАР

АСХХ: САМАРАЛИ ВА ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК



Шу йилнинг 22-23 май кунлари пойтахтимиздаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик (АСХХ) Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг 35-йиғилиши ва АСХХ қошидаги МДҲга аъзо давлатларнинг ахборотлаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 9-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишларни АСХХ Кенгаши раиси, Россия алоқа ва ахборот технологиялари вазири Леонид Рейман бошқарди.

2-3,6 -бетлар



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

HAFTALIK XABARLAR

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва олиб борилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш мақсадида 18-19 май кунлари Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлди.**

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май кuni Оксаройда Германия Федератив Республикаси Немис иқтисодийнинг шарқий қўмитаси раиси Клаус Манголдни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлигини ривожлантириш истикболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22-23 май кунлари бўлиб ўтган мажлисида депутатлар иккинчи ўқишда киритилган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттирдилар.**

Муҳокама чоғида қонун лойиҳасининг нормаларини такомиллаштиришга қарартилган қатор тақлифлар киритилди. Билдирилган мулоҳазалар ва тушган тақлифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

◆ **Тошкент давлат техника университетидида "Фан ва техника тарқиётида ёшлар" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуманда 500дан ортиқ илмий маърузалар тингланди. Маърузалар фундаментал фанлар, электроника, автоматика, компютер технологиялари, нефть ва газ, иқтисодиёт, саноат экологияси каби турли йўналишдаги илмий ишларни қамраб олди.

Энг иқтидорли талабани аниқлаш мақсадида анжуманда "Энг яхши илмий маъруза" танлови ўтказилиб, унда 80дан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Танлов якунида маърузалари долзарб ва илмий жиҳатдан салмоқли деб топилган иқтидорли талабалар Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

◆ **"ЭКОСАН" халқаро ташкилотидида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кuni олдидан "Санитария, гигиена ва экологик маданият декадаси" дастурига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишда аҳоли яшаш ва иш жойларида санитария-гигиена меъёрларига риоя қилинишини таъминлаш, экологик маданиятни мустаҳкамлаш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асраш зарурлиги таъкидланди.**

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг йиғилиши

Таомилга кўра, Кенгаш раиси йиғилишда иштирок этаётган барча Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари ҳамда бошқа меҳмонларни таништириб, АСХХнинг 15 йиллиги билан табриклади ва ушбу йиғилиш ишига муваффақият тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов сўз олиб, йиғилганларни АСХХ Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг 35-йиғилиши очилиши муносабати билан табриклади.

Очилиш маросимида ХЭИ Бош котиби Йошио Утсуми номидан Бош котиб ўринбосари Роберт Блуа ҳамда Камен Рангелов (Болгария), Матяш Янша (Словения) ва Алоуддин Мусеиб ўғли Кулизода (МДХ Ижроқўми)лар табрик сўзлари билан чиқиш қилишди.

Шу ўринда айтиш керакки, АСХХ қисқа вақт ичида халқаро миқёсда кенг эътироф этилди. У Халқаро электралоқа иттифоқи ва Жаҳон почта иттифоқида кузатувчи мақомига ҳам эга. Ўтган 15 йил давомида Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик МДХ давлатларининг миллий алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини ривожлантириш ҳамда бирлаштириш йўлидаги самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлигини намоён этди.

Кун давомида ўндан ортиқ масалалар муҳокама этилиб, ўттиздан зиёд маърузалар тингланди. Хусусан, МДХ мамлакатлари алоқа маъмуриятлари ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техникавий соҳаларда ҳамжиҳатликни мувофиқлаштириш, радиоспектрни боқариш, ягона почта маконини ташкил этиш ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабат ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ахборот жамияти масалалари бўйича Бутунжаҳон учрашуви (АЖБУ)нинг иккинчи босқичида (Тунис, 2005 йил 16-18 ноябр) АСХХ иштирокчилари томонидан эришилган натижалар таҳлил этилди ва тасдиқланди. Барча манфаатдор томонлар – давлатлар, хусусий сектор ва фуқаролик жамиятларининг кўптомонлама ҳамкорлиги асосида кўриб чиқилган ахборот жамияти бўйича Тунис мажбуриятлари ва Тунис Дастури ҳамда АЖБУ ечимларини амалга ошириш жараёнида АСХХнинг иштирок этиши энг муҳим масалалардан бири этиб белгиланди.

Мажлисида Катар пойтахти — Дохада ўтган ХЭИ электралоқани ривожлантириш бўйича Бутунжаҳон конференцияси (ЭРБК-06, 2006 йил 7-15 март) якунлари ҳам кўриб чиқилди. АСХХ томонидан илгари сурилган бешта ташаббус бошқа худудий ташкилотлар тақлифлари билан биргаликда тенг асосда Доха ҳаракат

АСХХ: САМАРАЛИ ВА



режасига киритилганлиги таъкидланди.

Кун тартибидидаги учинчи масала бўйича ХЭИ Бош котиби лавозимига ўз номзодини кўйган — Марк Фюре (Швейцария), Матис Курт (Германия), Хамадун Турэ (Мали), Роберт Блуа (Бразилия) ҳамда Бош котиб ўринбосари лавозимига номзод — Айхан Бейдоган (Туркия), ХЭИ электралоқа ривожлантириш Бюроси директори вазифасига номзод — Малколм Жонсон (Буюк Британия)лар сўзга чиқиб, ХЭИнинг келгуси вазифаларига доир дастурларини йиғилиш иштирокчиларига тақдим этдилар.

Тўртинчи масала юзасидан АСХХга аъзо давлатлар делегацияларининг Женевада бўлиб ўтаётган рақамли эшитирини режалаштириш бўйича минтақавий конференцияда иштирок этаётган вакиллари билан видеоконференция ташкил этилди. Видеоконференция давомида ушбу масалада ягона сиёсат юритиш ҳамда АСХХ аъзоларининг манфаатлари муштараклиги ва уйғунлиги тўғрисида фикр алмашилди ва муайян келишувга эришилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Россия Федерацияси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги ўртасида ахборот технологиялари, почта алоқаси ва электралоқа соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси алоқа маъмуриятлари ўртасида алоқа ва ахборот технологиялари йўналишида ҳамкорлик бўйича қўшма тадбирлар режаси тасдиқланди.

Битим Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов ва Россия Федерацияси алоқа ва ахборот технологиялари вазири Леонид Рейман томонидан имзоланди.

Имзоланган битим икки давлат алоқа маъмуриятларининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган. Буни алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида фойдали ҳамкорлик учун янги туртки бўлади, дейиш мумкин. Мазкур ҳужжат 2005 йилнинг ноябр ойида икки мамлакат раҳбарлари томонидан тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ҳақидаги Келишув ҳаётга татбиқ этилаётганлигининг ёрқин мисоли бўлди.

Танафус вақтида журналистлар йиғилиш иштирокчиларидан интервью олиш имконига эга бўлдилар. Биз ҳам Леонид Рейманни суҳбатга тортидик:

— Бугунги йиғилишда жуда кўплаб муҳим масалалар муҳокама этилди, — деди АСХХ Кенгаши раиси. — Ушбу масалалар АСХХга аъзо мамлакатлар алоқа тизимининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ҳозирда барча мамлакатлар рақамлаштиришга катта эътибор қаратмоқда. Бунга биз бугунги йиғилишда ҳам яна бир бор гувоҳ бўлдик. Женева билан тўғридан-тўғри видеоконференция ўрнатилди, шунингдек, мажлис залида Wi-Fi технологияси асосидаги кенг полсалли симсиз алоқадан фойдаланилди. Энг асосийси, бугунги йиғилишимиз келгусида АСХХ томонидан Халқаро электралоқа иттифоқи олдида қўядиган масалаларни таҳлил этиш ва ишлаб чиқишда катта аҳамият касб этди.



Россия ва Ўзбекистон алоқа маъмуриятлари ўртасида имзоланган битимга тўғралайдиган бўлсам, — бугун биз жадал суратларда ривожланаётган ахборот технологияларига жиддий эътибор қаратаямиз. Вақт аввалги келишувларни ҳаётга татбиқ этишни талаб қилмоқда. Бугунги битим икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтарди ва бу халқларимизнинг фаровон турмуш кечирishi хизмат қилади, деб ўйлайман.

Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг 35-йиғилишида, шунингдек, жорий йилнинг ноябр ойида Туркиянинг Анталиа шаҳрида бўлиб ўтадиган ХЭИ конференциясига тайёрларлик, АСХХнинг 15 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан алоқа хизматлари кўрсатиш бўйича тажриба алмашиш, лицензиялаштириш ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди. АСХХнинг навбатдаги 36-мажлисини шу йилнинг декабр ойида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

Йиғилиш якунида иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси алоқа маъмуриятига АСХХ кенгашининг 35-йиғилишини ажойиб ташкил этганлари учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.



Фойдали ҳамкорлик

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Ахборотлаштириш соҳасида юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар ҳисобга олиниб, МДХ давлатлари ҳукуматлари томонидан ахборот технологиялари йўналишида давлатлараро мувофиқлаштирувчи орган — АСХХ қошидаги МДХга аъзо давлатларнинг ахборотлаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши тўзилган.

23 май куни пойтахтимизда ушбу кенгашнинг 9-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина ахборотлаштириш бўйича миллий органлари делегациялари, шунингдек, МДХ Ижроқўми вакиллари иштирок этишди. Йиғилиши Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Леонид Рейман олиб борди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш Ахборот-маркетинг марказлари тармоғини ташкил этиш бўйича давлатлараро дастурининг бажарилишини муҳокама қилди. Дастурнинг ҳамдўстлик мамлакатлари

йилда уни ривожлантириш ҳамда шакллантиришга оид ишларни фаоллаштиришни тавсия этди.

Йиғилишда давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва шакллантиришни ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мазкур йўналишдаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳам давлат ахборот ресурслари ва очик ахборот ресурсларидан умумий фойдаланишни ташкил этиш масаласидир.

Мажлисида Ўзбекистон алоқа маъмурияти вакиллари ҳам маърузалари тингланди. Жумладан, "МДХ мамлакатларида ахборот технологиялари соҳасида стандартларни уйғунлаштириш тўғрисида" Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази раҳбари Махсум Махмудов, "МДХ мамлакатлари давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва шакллантириш тўғрисида" UzInfoCom маркази директори Жалолоддин Раҳимовлар маъруза қилишди.



иқтисодий интеграцияси масалаларини самарали ечиш ва ўзаро савдо айир-бошлашни ривожлантириш воситаси эканлиги эътиборга олиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш тақлифига биноан МДХ давлатлари раҳбарлари қарори (Тбилиси, 2005 йил 3 июн) билан мазкур ҳужжатни амалга ошириш муддати 2008 йилгача узайтирилган. Йиғилиш иштирокчилари томонидан Беларус, Рос-

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган "МДХ мамлакатлари АТ-ассоциациялари ҳамжиҳатлиги", "МДХ давлатларида ахборотлаштиришнинг ривожланиши аҳолини тавсифловчи кўрсаткичлар тўғрисида" каби қатор масалалар иштирокчилар муҳокамасига қўйилди.

Танаффус вақтида Алоқа маъмуриятлари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.



сия ва Украинада Ахборот-маркетинг марказлари тармоғи миллий сегментларининг яратилиши ва ривожланиши ис-тиқболлари қўриб чиқилди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳукуматлараро Ахборот-маркетинг марказлари инфратузилмаси ахборот-технологияларини яратиш бўйича қўшма тадбирларни тасдиқлади ва Дастур иштирокчиларига 2006

АСХХ қошидаги МДХга аъзо давлатларнинг ахборотлаштириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги 10-мажлисини 2006 йилнинг декабр ойида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

Лутфилло ТУРСУНҚОВ, lxabar@mail.uz

Муаллиф олган суратлар.

HUDUDIY BOSHQARMALARDA

— **Ҳадемай ҳудудий бошқармалар ташкил этилганига икки йил тўлади. Ўтган даврдаги фаолиятингизга қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳукумат қарори билан вилоятларда Агентликнинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унда аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган эди. Бундай масъулиятли вазифани бажариш учун давр талабига мос жамоани ташкил этиш зарур эди. Биз бунинг уддасидан чиқа олдик, деб ўйлайман. Жамоамизга раҳбар лавозимларда ишлаган, тажрибали, ташаббускор ходимлар билан бир қаторда, шижоатли, замонавий технологияларни яхши ўзлаштирган, меҳнатсевар ёшларни ҳам жалб қилдик.

Бугун дунё миқёсида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ниҳоятда тез суръатда ривожланипти. Бу Навоий вилоятида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Вилоятда алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналар ичида "Навоий Телеком" филиалининг ўз ўрни бор. Ушбу оператор орқали бугунги кунда 60 миндан зиёд мижозга алоқа хизмати кўрсатилляпти. Хизматнинг 87,5 фоизи бугунги кун талабига жавоб берадиган рақамли телефон алоқаси ҳисобланади. Бундан ташқари, "Ўздунробита", "Коском", "Юнител" корхоналари уяли алоқа хизмати кўрсатиб келмоқда. "Ўзбектелеком Мобайл"нинг Навоий филиали томонидан Навоий ва Зарафшон шаҳарларида, Учқудук, Томди, Нурота, Конимех сингари ҳудуди катта туманларда замонавий CDMA-450 стандартидаги уяли алоқа хизмати йўлга қўйилди.

"Ўз ўрнимиз бор"

— **дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Йўлдошмурот ЖўЛИЕВ**

Мамлакатимиз ҳукумати ва Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) лойиҳасига мувофиқ Навоий, Лангар, Зарафшон, Учқудук, Томди радиотелеузасти станцияларига 11та теле ҳамда 8та радиоузастичлар ўрнатилди. Мазлумки, Навоий вилояти энг катта ҳудудга эга. Шу сабабли бу йўналишдаги ишлар давом этирилипти. Бугунги кунда Хитой Халқ Республикасининг инвестиция лойиҳаси бўйича узоқ аҳоли масканларида дастурларни ер йўлдоши орқали тарқатиш режалаштирилган бўлиб, Навоий вилоятида ҳам 48та теле-радио узастичлар ўрнатиш мўлжалланган.

Ишларимизнинг самарадорлигини оширишда ҳафталик тезкор йиғилишларда қўрилаётган масалалар ҳам ўз натижасини берапти. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлиши табиий. Бизнинг вазифамиз эса мавжуд камчиликларни ўз вақтида илғаб, уларни бартараф этиш чораларини кўришдир. Бунда, айниқса, ўтказилаётган ўрганишлар ўз самарасини бераёттир.

— **"2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури"нинг Навоий вилоятида бажарилиши ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Аввало, биз вилоятда фаолият юритаётган алоқа корхоналари ўртасида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйдик. Вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг йиллик таҳлилий мониторингини ўтказдик. 2004 йил ақунлари билан 2005 йил натижалари таққосланганда сезиларли ўсишларни кузатишимиз мумкин. Аммо, бу кўрсаткичлар бугунги кун талаби даражасида деб айтолмайман.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган Интернет-кафеларнинг асосий қисми Навоий, Учқудук каби йирик шаҳарлар улушига тўғри келмоқда. Тармоқни ривожлантириш истагида бўлганлар учун ҳудудий бошқарма ходимлари томонидан тушунтириш ҳамда лицензия олиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Айнан бизнинг кўмагимиз билан ўтган даврда 7та корхона лицензия олиб, ўз фаолиятини бошлади.

— **Мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда, муаммолар ҳам йўқ эмас. Юқорида таъкидлаганимдек, соҳа ниҳоятда тез суръатларда ривожланмоқда. Бундай вақтда бир оз эътиборсизлик ҳам сезиларли камчиликларга олиб келиши мумкин. Биз вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотларга ўз корпоратив тармоғини яратиш бўйича тақлифлар киритдик. Электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш ахборот олиш тезкорлигини оширади, иш самарадорлиғи ўсади ва миллионлаб пулларни иқтисод қилиш имкониятларини яратади. Аммо кўп ҳолатларда бизнинг тақлифларимиз раҳбарлар эътиборидан четда қолимоқда.

"UZNET" филиалининг Навоий бўлими томонидан тармоқни ривожлантиришда сусткашликка йўл қўйилмоқда, қишлоқ жойларини қамраб олишга эътибор қаратилмаяпти. Интернетдан фойдаланишни ривожлантириш борасида аниқ тақлифлар мавжуд эмас. Реклама, тарғибот ишлари талаб даражасида олиб борилмаган. Бу эса вилоят миқёсида ахборот алмашинуви ва Интернет хизматини жадал ривожлантиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаяпти.

Ҳозирда ҳудудий бошқарма томонидан мазкур муаммоларнинг ечимини топишда мутасадди корхоналар иштирокида катъий чора-тадбирлар ишлаб чиқилляпти. Биз соҳа ривожини учун бутун куч-ғайратимизни, шижоатимизни аямимиз.

— **"Xabar" газетаси ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.**

— "Xabar" газетаси бугунги кунда тармоқ нашри доирасидан чиқиб, оммабоп газетга айланиб улгурди. Бугун "Xabar"ни нафақат алоқачилар, балки талабалар, олимлар, бошқа соҳа ходимлари ҳам севиб ўқишляпти. Шунинг ўзи газетга ижодий жамоаси эришаётган ютуқларга ҳаққоний баҳо эмасми? Биз газетга таъинини ташкил этишда вилоятимиздаги йирик корхона ва ташкилотлар, баълим муассасалари, коллеж ҳамда олий ўқув юртлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Алижон САҒАФРОВ
суҳбатлашди

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

AQSH: ASKARLAR URUSHNI ISTASHMAYPTI

Amerika va dunё matbuoti taхlillariga kўra, AQSH харбий кўмондонлиги ҳозирги кунда боши берк кўчага кириб қолган.

Гап шундаки, AQSH армиясидан харбийларнинг қочиши сўнгги пайтларда оммавий тус ола бошлади. Бундан Пентагон маъмурияти нима қилишни билмай, бошлари қотиб қолди. Пентагон Ироқ уруши бошланганидан буён хизматга чақирилувчилар сонини режадаги миқдорга етказа олмади. Вазиятдан чиқиш учун AQSH мудофаа вазири хизматга олиш талабларини енгиллаштириб ҳам кўрди, армияда хизмат қилаётган хорижийликларнинг фуқаролик олишида имтиёзлар ҳам яратилди, лекин бу чораларнинг айтирли нафи бўлмади. «Дард устига чипкон» деб шуни айтсалар керак, кейинги пайтлар-

да Буш маъмуриятининг Афғонистон ва Ироқдаги урушлар ботқоғига ботиб бораётганлиги Америка жамоатчилиги томонидан кескин танқидга учрамоқда. Олиб борилаётган урушларнинг мантисизлиги, минтақадаги хавф-хатарларнинг тобора ортиб бораётганлиги америкалик харбийларнинг ушбу «оловли нукталар»да хизмат ўташдан бош тортишларига сабаб бўлмоқда.

«USA Today» газетаси маълумотларига қараганда, 2003-2005 йиллар мобайнида саккиз мингдан зиёдрок аскар харбий хизматдан бош тортган ёки бутунлай қочиб кетган. «2006 йил ҳам Пентагон учун деярли

кувончли келмади, — дейилди газетادا. — Америка курулли кучлари зобитларининг эътироф этишича, йил бошланишидан буён Ироқда хизмат қилаётган харбийлардан таътил ёки даволанишда бўлган 70 киши хизмат жойига қайтмаган, 50 аскар ва сержант дезертир деб эълон қилинган».

Матбуот саҳифаларида тез-тез «Ветнам уруши» ибораси кўзга ташланмоқда. Америка тарихида янчи из қолдирган мазкур уруш лойиҳада ҳам AQSH харбийлари орасида парокандалик бошланиб, кўшинлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб хизмат жойларини тарк этган эди.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

МУЗОКАРАЛАРГА ҚАЙТАДИМИ?

«The New York Times» газетаси тарқатган хабарларга қараганда, AQSH маъмурияти Шимолий Корея билан тинчлик битимини имзолашга доир музокаралар бошлаш ниятида.

Америкалик юқори мартабали дипломатларнинг маълум қилишича, бундан унун Шимолий Корея ўзининг ядро дастури билан боғлиқ бўлган олти томонлама тинчлик келишув-

ларига қайтиши керак. Кузатувчиларнинг фикрича, Оқ уй бу таклифи билан расмий Пхенянинг ўз ядро дастури юзасидан музокараларга қайтишига умид қилмоқда.

ЧЕРНОГОРИЯ МУСТАҚИЛЛИК САРИ ҚАДАМ ТАШЛАДИ

Черногорияда Сербиядан ажралиш ва алоҳида мустақил давлат тузиш бўйича референдум бўлиб ўтди.

Мустақилликни эълон қилиш бўйича ўтказилган сайловнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, овоз берувчиларнинг 56,3 фоизи Черногориянинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаган. Сайловлар жараёнида 3,5 минг нафар маҳаллий ва хорижий кузатувчи иштирок этган. Собиқ Югославия барҳам топган, 2002 йилда Сербия ва Черногория шерикчиликдаги давлат бошқарувини ҳорий этган эди. Лекин амалда бундай бўлиб чиқмади. Эндиликда бу икки республиканинг алоҳида божхона, солиқ, хавфсизлик тизимлари ҳамда пул бирликлари мавжуд. Черногорияликларнинг аксарияти Сербия хар-

томонлама ўзларига босим ўтказиб қилишга таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, Сербия генерал Радко Младични Гаага трибуналига топширишни рад қилганидан сўнг, ҳар икки давлатнинг ҳам Европа Иттифоқига аъзо бўлиб қилиши гумон остида қолди.

Мустақиллик ҳаракатини бошқарётган Черногория етакчиси Мило Жуканович Сербиядан ажралиш мамлакатнинг Европа билан интеграциялашувини тезлаштиради, деган фикрда.

Сербия президенти Борис Тадич Черногория мустақиллиги борасида ўтказилган референдум натижаларини тан олишини билдирди.

ҲАМАС ВА ФАТХ —

МИЛЛИЙ БИРДАМЛИК ЙЎЛИДА

Фаластин Қонунчилик кенгашининг спикери Абдул Азиз Дуэйкнинг маълум қилишича, ҲАМАС бошчилигидаги Фаластин мухторияти ҳукумати муҳолиф ФАТХ партияси билан миллий музокараларни бошлашга келишиб олди.

Спикернинг айтишича, мажлислар Рамоллоҳда — мухторият етакчиси Махмуд Аббос раҳбарлигида, Ғазо минтақасида — бош вазир Исмоил Хония бошчилигида бўлиб ўтади. Махмуд Аббос ушбу мулоқотларнинг асосий мақсади — пойтахти Шаркий Қуддусда бўладиган Фаластин давлатини қуришдан иборат эканлигини айтиб ўтди.

Интернет материаллари асосида Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ЭЪЛОН!

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКНИНГ НАВБАЗДАГИ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ

2006 йил 30 июн, соат 15⁰⁰да Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 88-уйда жойлашган "Radisson SAS" меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

"Ўзбектелеком" АК акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.

1. "Ўзбектелеком" АКнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
2. "Ўзбектелеком" АКнинг 2005 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
3. "Ўзбектелеком" АКнинг 2005 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш ва Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисида.
4. "Ўзбектелеком" АКнинг 2006 йил бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
5. "Ўзбектелеком" АКнинг 2006 йилга аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматиға тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
6. Кузатув кенгашининг 2005 йил якунлари бўйича ҳисоботи ва Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
7. "Ўзбектелеком" АКнинг Уставига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
8. "Ўзбектелеком" АК бош директорини ишга ёллаш шартномаси тўғрисида.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 14⁰⁰да бошланади.

Акциядорлар реестри 2006 йил 31 май ҳолатига ёпишган. Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларға эға бўлишлари лозим.


Акциядорлар вакилларида ишоннома (нотариус тасдиқлаган бўлиши керак), сертификат ва паспорт талаб қилинади.

"Ўзбектелеком" АК Кузатув кенгаши

Мурожаат учун телефонлар:
134-96-30, 139-23-84, 139-23-97.



WCG 2006 Uzbekistan Preliminary



Kompyuter o'yinlari bo'yicha
2006 yil -WCG 2006
Uzbekistan Preliminary
uchun saralash turniri
O'zbekiston chempionatining
o'tkazilish
TARTIBI

- 15 maydan 27 may kunlariga qadar chempionat o'yinlari o'tkaziladigan klublar ro'yxatga olinadi.
- 27-28 may kunlari - Buxoroda saralash turnirlari
- 3-4 iyun kunlari - Samarqandda saralash turnirlari
- 10-11 iyun kunlari - Qarshida saralash turnirlari
- 17-18 iyun kunlari - Namanganda saralash turnirlari
- 22-28 iyun kunlari - Toshkentda saralash turnirlari
- 30 iyun kuni - WCG 2006 Uzbekistan Preliminary Chempionatining milliy finali, 1 iyul kuni - taqdirlash marosimi
- 2006 yil 18-22 oktabr kunlarida Jahon chempionati finali - Grand Final WCG 2006 World Cyber Games Monsa (Italiya) shahrida o'tkaziladi.

CHEMPIONAT KLUBLARI

27-28 may kunlari - Buxoro
Game Zone Klubi

Manzil: 6-mikrorayon, Farog'i
ko'chasi, 30-uy yonida
tel. (8-365) 222-14-72

3-4 iyun - kunlari - Samarqand
NEO Klubi

Manzil: Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 34
Tel. (3662) 33-42-40

10-11 iyun kunlari - Qarshi
"Shuxrat aka" klubi

Manzil: 4 mikrorayon, 10 - uy, 2-
qavat, "Sarbon" qiziqari o'yinlar
markazi
Tel. (375) 275-14-71

17 - 18 iyun - Namangan
O₂ klubi

Navoiy ko'chasi, 3-uy, mo'ljal -
"Sardoba" bozori.
Tel. (369) 2320751

22 - 28 iyun kunlari - Toshkent

Magic Touch klubi

WarCraft® III: Frozen Throne
Manzil: Kosmonavtlar shoh ko'chasi, 29-a uy
Tel. 175-12-36

Digital klubi

StarCraft®: Brood War™
Amir Temur ko'chasi, 2-daha, 7-uy
Tel. 107-15-58

Elite klubi

StarCraft®: Brood War™
Manzil: Amir Temur ko'chasi, 1
(Amir Temur muzeyida)
Tel. 132-02-07

Prime Time

Need for Speed: Most Wanted
Kunayev ko'chasi, 27/11 (mo'ljal: sobiq
"Rossiya" mehmonxonasi)
tel. 152-10-89

TransNet

Half-Life™: Counter-Strike 1.6
Manzil: Amir Temur ko'chasi, 2-a uy, "E"
bloki
Tel 134-99-25

WCG 2006 Uzbekistan Preliminary rasmiy o'yinlari:

WarCraft® III: Frozen Throne - 1993 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
StarCraft®: Brood War™ - 1993 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
Half-Life™: Counter-Strike 1.6 - 1989 yil 18 oktabrgacha tug'ilgan o'yinchilar
Need for Speed 2: Underground-yosh cheklanmagan.

● НАМКАСBLARIMIZ

Нурафшонлик Зайниддин



Зайниддин УРИНОВ намунали хизматлари орқали юртдошлари эътиборига тушган, кексалар дуосини олаётган тажрибали почта ходимларидан бирidir.

Харбий хизматни ўтаб кайтгандан сўнг у дастлаб бир йил Тошкентдаги Чкалов номидаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлади. Шундан сўнг, 1987 йилдан то 1994 йилгача ўзи таваллуд топган Ромитан туманидаги матбуот тарқатиш корхонасида йўриқчи вазифасида хизмат қилди. Унинг кейинги фаолияти бевосита почта алоқаси хизмати билан боғлиқ. Ун икки йилдирки, З.Уринов туманининг "Нурафшон" алоқа бўлимида хабарчи вазифасида ишлаб, Дўрмон, Уба, Соқижон, Гарамшоҳ ва Мирмулло кишлоқлари аҳолисига хат-хабар ҳамда газета-журналларни ўз вақтида етказиб бермоқда. Унинг хизматидан, айниқса, пенсионерлар мамнун. Хуллас, ҳеч қандай эътироз ва шикоятга ўрин қолмапти.

Албатта, ўз касбини севиб, астойдил меҳнат қилган инсон асло кам бўлмас экан. Зайниддин Уринов ҳам ўтган йили Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиги" билан тақдирланди.

Соҳанинг фидойи ходими Зайниддин Уриновга сиҳат-саломатлик, ишларига омад доимо халқ хизматида бўлиб, олқишлар олиб юришига тилақдошимиз.

Шароф БОҚИЕВ
Бухоро вилояти

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирам Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми»нинг (кейинги ўринларда «Низом») 45-бандига асосан «ARIDON савдо-сотик ишлаб чиқариш кўп тармоқли телевидение» масъулияти чекланган жамиятининг теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000802 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2006 йил 17 майдан 10 кун муддатга тўхтатилди.

Низомнинг 23-бандига асосан куйидаги номлари келтирилган яққа тартибдаги тадбиркорларнинг лицензиялари 2006 йил 17 майдан бекор қилинди:

- Ким Владислав Николаевичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000811 рақамли;

- Арипов Махмуджон Пуатовичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000817 рақамли;

- Талипов Карим Ҳакимовичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000842 рақамли;

- Арипов Дилшод Ахтамовичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000904 рақамли;

- Рамазанов Дамир Рамилевичнинг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000920 рақамли.

Низомнинг 52-бандига асосан, «KORY INTER LUX» хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001425 рақамли лицензияси ўз аризасига мувофиқ 2006 йил 17 майдан бекор қилинди.

● TA'LIM TIZIMI

— **Марат Пўлатович, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи бир пайтлар Марказий Осиёда нуфузли алоқа ўқув юрти хисобланарди. Эндиликда республикамизнинг деярли барча вилоятларида компьютер ва ахборот технологиялари бўйича касб-хунар коллежлари ташкил этилди. Бу, албатта, рақобат муҳитини юзга келтиради. Айтингчи, ана шу рақобатда «синиб» қолмаслик учун коллежда қандай ишлар амалга ошириляпти?**

да ишлашлари уларнинг «Шахсий иш режа»ларида ҳам ўз ифодасини топган.

— **Ўқув жараёнлари ахборот технологияларини жорий қилиш қандай борапти?**

— Ҳозирги ўқувчиларда катта имкониятлар мавжуд. Улар ўз билимларини нафақат дарс жараёнида бойитиб бориш, балки Интернет тармоқлари орқали ҳам барча соҳа ва йўналишлар бўйича керакли маълумотлар олиш имкониятига эгадирлар. Коллежимизда 3та компьютер хонаси бор. Интернет

Ҳозирда мутахассисга куйилаётган талаб жуда катта. Ўз касбини севаган, ҳамisha малакасини такомиллаштириш устида ишлаган ташаббускор кадрга ҳамма вақт талаб бўлган. Шу боис, биз назарий ва амалий жиҳатдан ҳам касбий фанлар мазмунига эътиборни қаратяпмиз. Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ходимлари билан янги авлод дарсликларини яратиш устида олиб бораётган ишларимиз бунга мисол бўла олади. Саволингизга аниқ рақамлар билан жавоб берадиган бўлсак, охириги икки йилда

Малакали мутахассисга ҳамisha талаб катта

— дейди Тошкент алоқа касб-хунар коллежи директори вазифасини бажарувчи **Марат Пўлатович ЗОҲИДОВ**

— Тўғри айтасиз, ҳозирги кунда компьютер ва ахборот технологияларига ихтисослашган ўқув даргоҳлари кўпайди. Бизнинг коллежимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлайди. Уяли алоқа воситалари ҳамда аналог алоқа линияларининг рақамли тизимга ўтиши алоқа мутахассисларга бўлган талабни орттирди. Шундай экан, коллежимиз педагогик жамоасининг бутун диққат-эътибори замон талабига жавоб берадиган мутахассис тайёрлаш масаласига қаратилган.

Ҳозирги кунда республикамизнинг деярли барча телефон тармоқларига хитойлик мутахассислар томонидан яратилган алоқа тизимлари ўрнатилляпти. Бу эса биздан ўқув дастурларимизни қайта кўриб чиқишни талаб этади. Шунинг учун ҳам S-12, EWSD, NEAX, DTS тизимлари қаторида ўқувчиларимизга Хитой технологияси тизимини ўргатишни режалаштиряпмиз. Бу ишларни Тошкент ахборот технологиялари университетининг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширишни назарда тутганмиз.

— **Ўқитувчи-мураббийларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифалари қандай ҳал қилиняпти?**

— Ўқитувчи ҳамisha ўз устида ишлаши, малакасини ошириши зарур. Акс ҳолда, у ўз номига муносиб бўла олмайд.

Коллежимизда педагоглар малакаси режалари равишида ошириб бориляпти. 2005-2006 йилларда республикамизнинг турли олий ўқув даргоҳларида 22 нафар ўқитувчи-мураббийларимиз ўз ихтисосликлари бўйича малака оширди. Шунингдек, кафедра-лар довлалари томонидан ташкил этиладиган «Очиқ дарслар» ўқитишнинг методлари ва интерфаол йўллари ни ўрганишларига ёрдам беради.

Ўқитувчиларнинг ўз усти-

тармоғига уланганмиз, аммо тўлиқ эмас. Бу каби муаммоларни ечишда бизга яқиндан ёрдам бериб келаётган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан умидимиз катта.

— **Ўқувчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган?**

— Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт ҳамда турли фанлар бўйича тўрақлар фаолият кўрсатмоқда. Ўрта маҳсул касб-хунар таълими марказининг 2005 йил 17 августдаги буйруғи асосида «Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг янги меъёрий ҳужжатлари» тасдиқланган эди. Ушбу ҳужжатларда ўқувчиларнинг фанлар бўйича «Мустақил иш»ларини ташкил этиш борасида муновоқат Низом қабул қилинган. Шунга кўра, ўқувчилар «Мустақил иш»ларини бажариш учун кутубхона ва компьютерлардан фойдаланишлари мумкин.

Ўқувчиларимизнинг кўпчилигини вилоятлардан келган ёшлар ташкил қилади. Улар ётоқхоналар билан таъминланган.

Беш йилдан буён Агентлик ташаббуси билан «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ҳомийлигида ётоқхоналарда яшаётган ўқувчиларга тушлик пайти бир маҳал иссиқ овқат бериб келиняпти.

— **Кейинги йилларда юртимиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига замонавий техника ҳамда технологияларни жорий қилиш жадал олиб бориляпти. Мўъжазгина битта ускуна эндиликда 20-30 нафар ходимнинг вазифасини бажаряпти. Бу коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатмайдими?**

— Ҳаёт ҳамisha инсонларни талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда изланишга, янгилар қилишга ундайди.

коллежимизни 721 нафар ўқувчи битирган. Уларнинг 70 фоизи ўз мутахассислиги бўйича жойларда меҳнат қилмоқда. Қолган 11 фоизи эса билимларини ошириш мақсадида турли олий ўқув юртларида ўқишяпти.

Иш берувчилар дарслик мавзуларини қайта ишлашда ўз таклифларини беришса яхши бўларди.

— **Соҳа корхона ва ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

— Тошкент ахборот технологиялари университети билан мустаҳкам алоқамиз бор. Университет битирувчилари бизда амалиёт ўташади. Ўз иқтидорини кўрсата олган битирувчиларни ишга олиб қоламиз. Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети-нинг «Харбий таълим» кафедраси билан шартнома асосида ҳамкорлик қилияпмиз.


«Ўзбектелеком» АК ва унинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи», «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиаллари ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтамти» филиали, «Коском» қўшма корхонаси билан ҳам биргаликда иш юртияпмиз.

— **Яқинда янги ўқув йили учун қабул бўлган. Бу муҳим тадбирга қандай тайёргарлик қилиляпти?**

— Тайёргарлик одатдагидек олиб бориляпти. Яқинда «Очиқ эшиклар» кунини ўтказдик. Унда пойтахтимиздаги 18та мактабдан 400 нафар ўқувчи қатнашиб, ўзларига керакли маълумотларни олишди ва коллеж ҳаёти билан танишишди. Ҳозирда коллежда бир-икки ойлик тайёрлов курсларида машғуллар йўлга қўйилган.

— **Сўбатингиз учун раҳмат.**

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди
aaxabar@mail.uz



35-е ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ АДМИНИСТРАЦИЙ СВЯЗИ РЕГИОНАЛЬНОГО СОДРУЖЕСТВА В ОБЛАСТИ СВЯЗИ

9-е ЗАСЕДАНИЕ КООРДИНАЦИОННОГО СОВЕТА ГОСУДАРСТВ-УЧАСТНИКОВ СНГ ПО ИНФОРМАТИЗАЦИИ ПРИ РСС

В Ташкенте состоялись 35-е заседание Совета глав администраций связи Регионального содружества в области связи (РСС) и 9-е заседание Координационного совета РСС по информатизации.

В них приняли участие руководители администраций связи от стран СНГ, наблюдатели от Латвийской республики, Литовской республики, «Дойче телеком» (ФРГ), АО «Эсттелеком» Эстонской республики, а также представители Международного союза электросвязи, Исполнительного комитета СНГ, ряда отечественных и зарубежных компаний.

В рамках форума состоялось подписание Соглашения между Узбекским агентством связи и информатизации и Министерством информационных технологий и связи Российской Федерации о сотрудничестве в области информационных технологий, почтовой связи и электросвязи.

стремительно внедряться информационно-коммуникационные технологии (ИКТ). В странах участников РСС внедрение и развитие ИКТ признается правительством одним из приоритетных направлений и ведется активная работа по развитию инфокоммуникаций.

Учитывая масштабные преобразования, происходящие в области информатизации, в октябре 2002 года правительствами стран СНГ было принято решение о создании Координационного совета госу-

дарств – участников СНГ по информатизации при РСС (Координационный совет) – межгосударственного координирующего органа в сфере информационных технологий.

Региональное содружество в области связи является организацией, постоянно развивающейся и совершенствующей свои направления деятельности, формы и методы работы. Ярким примером правильности выбранного пути является рост авторитета РСС в СНГ и на международной арене.

НАША СПРАВКА:

Региональное содружество в области связи (РСС) было создано 17 декабря 1991 г. в Москве главами администраций связи (АС) независимых государств.

В октябре 1992 г. в г. Бишкеке (Кыргызская республика) главами правительств государств-участников СНГ было подписано "Соглашение о координации межгосударственных отношений в области почтовой и электрической связи", которым РСС был наделен полномочиями межгосударственного координирующего органа в области электрической и почтовой связи.

Основными задачами деятельности РСС являются:

- расширение взаимовыгодных отношений между Администрациями РСС в гармонизации развития сетей и средств связи;

- координация вопросов в области научно-технической политики, управления радиоспектром, тарифной политики на услуги связи и взаиморасчетов, подготовки кадров;

- взаимодействие с международными организациями в области связи и информатизации;

- взаимный обмен информацией и др.

Высшим органом РСС является Совет глав администраций связи, работа которого осуществля-

Региональное содружество в области связи

(История создания и основные направления деятельности)

ется в соответствии с регламентом. Решения Совета принимаются при общем согласии (консенсусе) его членов.

Постоянно действующим исполнительным органом РСС является Исполнительный комитет, местонахождением которого является г. Москва. В дальнейшем в Региональном содружестве формируются и развиваются его рабочие органы – Комиссии, Совет операторов электросвязи и почты, рабочие группы, деятельность которых направлена на выработку и реализацию конкретных задач Содружества. Так, на заседаниях Совета глав АС РСС рассматривались вопросы перехода на новую систему международных телефонных кодов, регулирования использования радиочастотного спектра, проекты программы создания региональных центров обучения и подготовки кадров по новым технологиям связи, координации действий АС РСС в области почтовой связи, по участию в работе ВПС и МСЭ.

В последние годы во всем мире и в регионе СНГ начали

Участники РСС:

Полноправные члены РСС:

- | | |
|---------------------------------------------------|----------------------|
| 1. Администрация связи Азербайджанской республики | с 17 декабря 1991 г. |
| 2. Администрация связи Республики Армения | с 17 декабря 1991 г. |
| 3. Администрация связи Республики Беларусь | с 17 декабря 1991 г. |
| 4. Администрация связи Грузии | с 24 января 1992 г. |
| 5. Администрация связи Республики Казахстан | с 17 декабря 1991 г. |
| 6. Администрация связи Кыргызской республики | с 17 декабря 1991 г. |
| 7. Администрация связи Республики Молдова | с 17 декабря 1991 г. |
| 8. Администрация связи Российской Федерации | с 17 декабря 1991 г. |
| 9. Администрация связи Республики Таджикистан | с 17 декабря 1991 г. |
| 10. Администрация связи Туркменистана | с 17 декабря 1991 г. |
| 11. Администрация связи Республики Узбекистан | с 17 декабря 1991 г. |
| 12. Администрация связи Украины | с 17 декабря 1991 г. |

Наблюдатели РСС:

- | | |
|----------------------------------------------------|----------------------|
| Дойче Телеком АГ, Федеративная Республика Германия | с 29 июля 1994 г. |
| Концерн «Грейт Нордик», Королевство Дания | с 21 апреля 1999 г. |
| Администрация связи Латвийской республики | с 22 апреля 1992 г. |
| Администрация связи Литовской республики | с 22 апреля 1992 г. |
| АО «Эсттелеком», Эстонская республика | с 6 сентября 1993 г. |
| АО «Эстонская почта», Эстонская республика | с 17 декабря 1993 г. |

В силу открытости РСС возможен дальнейший рост числа его участников.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ ЦИФРОВОЙ ПОДПИСИ

На эту тему в Ташкенте прошла международная научно-практическая конференция, организованная Узбекским агентством связи и информатизации совместно с Федеральным агентством информационных технологий Российской Федерации.

В работе конференции приняли участие представители международных организаций, компаний и фирм производителей в сфере информационных технологий из стран ближнего и дальнего зарубежья. На ней были обсуждены наиболее актуальные проблемы использования электронной цифровой подписи (ЭЦП).

С докладом о развитии информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане и использовании электронной цифровой подписи перед собравшимися выступил заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А. Ходжаев. Докладчик отметил, что в настоящее время проводится работа по разработке необходимых нормативных документов, направленных на организацию деятельно-

сти центров регистрации, а также национальных стандартов в области ЭЦП. В частности, разработан и утвержден государственный стандарт «Криптографическая защита информации. Процесс формирования и проверки электронной цифровой подписи». Разработаны также проекты стандартов, связанных с функцией хэширования и алгоритм шифрования данных.

На конференции также выступили: руководитель уполномоченного Федерального органа по применению ЭЦП, руководитель Росинформтехнологии В. Матюхин, эксперт Еврокомиссии по вопросу информационной безопасности Ж. Дюмартье. О развитии инфраструктуры электронной цифровой подписи в Республике Узбекистан рассказал директор Центра научно-технических и маркетинговых исследований М. Махмудов.

Участниками конференции также были заслушаны доклады — «Инфраструктура открытых ключей в Польше», «Российский опыт деятельности удостоверяющих

центров», «О государственном стандарте РУз О'z Dst 1092:2005 Информационная технология. Криптографическая защита информации. Процессы формирования и проверки электронной цифровой подписи» и другие.

На конференции были также затронуты проблемы правового регулирования ЭЦП, рассмотрены тенденции развития технологии ЭЦП, вопросы стандартизации и сертификации средств ЭЦП, развития международной системы электронного документооборота и другие.

В рамках конференции было проведено заседание «за круглым столом» по проблемам трансграничного международного электронного взаимодействия и вопросам развития инфраструктуры открытых ключей.

Участники конференции выразили надежду, что проведенное мероприятие явится важным шагом в деле внедрения электронной цифровой подписи в практику деловой и повседневной жизни.

Наш. корр.

СП СК "ALSKOM"

извещает своих акционеров об уменьшении уставного фонда с 131500000 сум (1380090 дол. США) на 1137358000 сум (1211063,64 дол. США) в связи с аннулированием 177643 шт. нераспределенных акций.

Предложения и замечания принимаются в течение 2-х месяцев.

Справка для информации по тел. 139-23-31.

Коллектив ТУИТ выражает глубокое соболезнование доценту кафедры «Менеджмент и маркетинг» Журавлевой Ольге Ивановне по поводу кончины мужа
ЖУРАВЛЕВА Геннадия Афанасьевича.

Xalalar-TV



ДУШАНБА — 29 МАЙ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 Тақдирнома".
8.45 ТВ-аним.
8.50 Оттин мерос.
9.00 "Одам ва одам" дастури: "Дунёдаги энг катта меҳмонхона".
- Тўй ва оқшом кўйлақларни тикиш — 2 ой (якка тартибда).	15000	25000
- Газламалардан гуллар ясаш — 1 ой (якка тартибда).	15000	25000
- Бисер усулида кашгачи-безакчи — (олий курси) — 2 ой.	10000	15000
- Машинада кашта тикиш (вышивка) — 2 ой, (якка тартибда).	15000	25000
- Қўлда тўқиш — (олий курси билан биргалиқда) кийимлар — 2 ой. Якка тартибда.	15000	25000
- Пазандлик (олий курс билан биргалиқда) — (энг замонавий пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой.	10000	15000
- Торتلарни олий даражада безатиш санъати — 1 ой.	30000	50000
- Уйғур, миллий ва Европа таомлари (40дан ортиқ овқатлар ва салатлар) — 2 ой.	10000	15000
- Заргарлик — 4 ой (якка тартибда) ва ҳоказо касб-ҳунарлар...	25000	40000

Дарслар фақат якка тартибда ёки кичик гуруҳларда дөврий ҳужжат топширгангизданқош бошланади. Ўқувчилар стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари билан таъминланади, мавзунлар тушунарли усулларда "Устоз-шогирдлик" асосида, қатъий тартиб мўҳитида ўргатилади. Бир мавзунни ўлаштирмадан кейингисига ўтилмайди. Натيجида амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!
Ўқиш вақтини бўш вақтингизга қараб ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари ҳам мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганингиз тўғрисидаги гувоҳнома талаб қилинади.

Тест натижаларига кўра лицензияланган Диплом берилади.
Қабул 9% -19% дам олиш куни – яқиндан. **Етоқхона** – 1 ойга 15000 сўм.
Манзил: Тошкент шаҳри, А.Тўмур кўчаси, 84-уй. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115).
Келиш йўли: Метронинг "Милло" автобусларининг "Қозғоқiston" кинотеатри бекети.
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.
Мўлжал: "Қозғоқiston" кинотеатрининг ўнг томонидаги 84-уй.

TA'LIM TIZIMI



Замон талаблари даражасида

Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" изчиллик билан амалга ошириляпти. Бунинг натижасида жойлардаги касб-хунар коллежлари замон талаблари даражасидаги ўқув масканларига айлантирилмоқда. Қуйида ана шундай ўқув масканларидан бири – Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи ҳақида маълумот берамиз.



Моддий-техник база

Коллеж 1200 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, унда 400 кишилик мажлислар зали, спорт майдони, иккита спорт зали, 250 ўринли ошхона, 200 ўринли «Ўқувчи ёшлар уйи», замонавий кутубхона ҳамда бешта компьютер синфи, 19та ўқув лабораторияси, тўртта лингвон хонаси ҳамда бешта ўқув устaxonаси мавжуд.

Коллежда тахсил олаётган ўқувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Кимё, физика, астрономия, биология фанлари бўйича давлат таълим стандартлари асосида лаборатория машғулотларини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу фанлардан ташкил этилган лабораториялар Корея Республикаси кредити ҳисобига ҳамда «Эл» фирмасидан олинган асбоб-ускуналар, идишлар ва кимёвий реактивлар билан таъминланган.

Ўқув юрти кутубxonаси компьютерлар сони 59тани ташкил этади. Барча компьютерлар ўзаро локал тармоқлар орқали бир-бири билан боғланган. Битта компьютер синфи Интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан ўқитувчилар ва ўқувчилар эркин фойдаланишлари мумкин.

Ўқув юрти кутубxonаси компьютер билан таъминланган бўлиб, ўқитувчиларнинг маъруза матнлари компьютерга киритилган. Ҳозирги кунда коллежда 46 фандан маъруза матнларининг электрон шакллари ҳамда 122 донга компакт дискда мультимедиа курслари мавжуд. Кутубхона йилдан йилга янги дарсликлар авлоди билан бойитилиб, ҳозирги кунда унинг фонди 33 мингдан ошган.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш

Таълим муассасаси битирувчиларнинг ишга жойлаштиришига кўмак бериш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Коллежнинг барча йўналишларида ўқув ва ишлаб чиқиш амалиётларини ташкил этиш учун жами 28 корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Жумладан, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Самарқанд шаҳар 2531-автокорхонаси, вил-

оят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, «СамКочАвто» ўзбек-турк қўшма корхонаси, вилоят «Пахта банк»-и, Самарқанд шаҳар «VERBATIM» илмий-ишлаб чиқариш тижорат корхонаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Халқаро ҳамкорлик

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежи Германиянинг КfW банки томонидан амалга оширилган «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳасига кирилган. Ушбу лойиҳа доирасида коллеж учун 275 минг евро ажратилди ҳамда жорий йилнинг ноябр ойигача бешта компьютер ва сервер хоналари учун жиҳозлар этиказиб бериш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги кунгача ушбу лойиҳа доирасида мингдан зиёд адабиёт олиб келинди.

Шунингдек, коллежда немис ва корейс тилларига қизиқувчилар учун «Тил ўргатиш маркази» ташкил қилинган. Жумладан, корейс тилини ўрганувчилар Корея Республикаси элчихонаси таълим маркази томонидан тақдим этилган 300дан ортик китоб, мультимедиа курслари ва электрон адабиётлардан фойдаланиш имконига эга.

Ўтуқлар

Техника фанлари номзоди Олимжон Темиров бошқариб келаётган коллежнинг ўқитувчилари орасида «Шухрат» медали соҳиблари, «Халқ таълими аълочиси», «Фидоий мураббий» ва бошқа мукофотларга, унвонларга сазовор бўлганлари бор.

Коллежда физик жараёнларнинг компьютер моделларини яратиш бўйича Delphi алгоритмик тилидаги дастур, Windows муҳити учун компьютер дастури, коллеж ходими К.Генке ҳамда ўқувчилар томонидан коллежнинг www.samktg.samdu.uz Интернет sahifаси яратилган.

Ўқувчилар фанлар бўйича олимпиадалар, танловлар ва спорт мусобақаларида муваффа-

қиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бундай ютуқларга эришишда таълим масканидаги умумтаълим ва махсус фанлар бўйича ўқитувчилар раҳбарлигида 40дан ортик фан ҳамда футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, кикбоксинг, стол тенниси, шахмат ва шашка каби спорт турлари бўйича тўғараклар ташкил қилингани муҳим ўрин тутмоқда.

Қабул жараёни

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:

Кундузги бўлимга (9-синф битирувчилари)

1. ЭХМ ва компьютер тармоқларни ўрнатиш ва ишлатиш;
2. Компютер ва офис жиҳозларини ўрнатиш ва ишлатиш;
3. Компютер графикаси;
4. Дастурлаш бўйича ахборот технологиялари мутахассиси (Германия лойиҳаси);
5. Электроника бўйича ахборот технологиялари мутахассиси (Германия лойиҳаси);
6. Иқтисодиёт бўйича ахборот технологиялари мутахассиси (Германия лойиҳаси);
7. Сув ҳўжалиги ва мелиорация (В, С тоифали ҳайдовчи);
8. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш (В,С тоифали ҳайдовчи);
9. Автотранспортда ташишни ташкиллаштириш ва ҳаракатни бошқариш (В, С тоифали ҳайдовчи);
10. Бухгалтерия ҳисоби.

Германиянинг КfW банки ва Техникавий ҳамкорлик ташкилот (GTZ)лари ёрдамида «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳаси доирасида қабул қилинган ўқувчилар Германия ўқувчилар бўйича таълим оладилар. Машғулотлар кредит ҳисобига олиб келинган энг замонавий «Siemens» компьютерларида олиб борилади. Ушбу мутахассисликлар бўйича таълим олган битирувчиларга диплом ва Германия сертификатлари берилади.

Туманлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ТО'УХАТ О'RNIDA

Ибратли умр

Талабаларнинг қомил инсон бўлиб етишишида устозларнинг ўрни беқиёс. Устоз уларни нодонлик, жоҳиллик мусибатларидан асрайди. Уларнинг қалбига тўғрилик, ҳалоллик, яхшилик ва меҳр-оқибат уруғларини экади. Ўз шоғирдларининг ҳақиқий инсонлар бўлиб етишишлари учун кунни-кун, тунни-тун демай заҳмат чекади.

Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн ўзининг машҳур устози Арастуға бениҳоя таъзим ва ҳурмат бажо қилар, маслаҳатини олмадан ҳеч бир ишга қўл урмас экан. Бунинг сабабини сўраганларида у шундай жавоб берган: «Отам мени гўёки осмондан ерга туширди, устозим эса мени ердан осмонга кўтарди. Яъни, отам менинг дунёга келишимга, устозим эса ақлий ўсишимга, улуг мартабага, шон-шухратга эга бўлишимга сабабчи бўлди.» «Устоз — отангдек улуг», деган нақл шундан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун устозларнинг қалбига меҳр-муҳаббат, чин инсоний ҳислатлар устоз деган номни янада улуглайди. Ҳасан ака Каримов, шубҳасиз, ана шундай ҳурматли инсонлар сирасига киради.

Бутун умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган бу беназир инсон ва мураббий 1936 йил 4 май куни Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Ёнарик қишлоғида таваллуд топди. У ёшлигидан ўзининг ҳозиржавоблиги, ўткир зехни билан тенгдошларидан ажралиб турар эди.

1963 йили ўрта мактабни имтиёзли тугатган Ҳасан ака Тошкент давлат университетининг тарих ва ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирди. 1968 йилда эса университетни муваффақиятли тамомлаб, Тошкент автомобил йўллари институтининг «Фалсафа» кафедрасида ассистент-ўқитувчи вазифасида фаолият бошлади. У доимо изланишдан, интилишдан чарчамади, ҳаётини илмий, зиёли инсонлар билан боғлаган ҳолда давом эттирди. Домланинг дарс бериш услуби, ўзига хос нутқ санъати, салоҳияти шу даргоҳда шаклланди ва сайқал топди.

1997 йилдан бошлаб Ҳасан ака Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида ишлаб, истиқлолимизни ардоқлашда, миллий мафкурамизни шакллантиришда, ёшларимизни билимли, инсонпарвар, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ўз билим ва маҳоратларини аямай келмоқдалар.

Уларнинг бир қатор рисола, қўлланма ва илмий мақолалари чоп этилган.

Ҳасан ака Каримов университетнинг педагогик жамоаси орасида ҳурматга сазовор бўлган. Ниҳоятда бағрикенг бу инсон ўзгаларга қўлларидан келганча яхшилик қилишга, меҳр улашишга, ҳамдард бўлишга интилади. Зеро, домла «Инсондан фақат яхшилик қолади», деган ақидага амал қилиб яшаб, ишлаб келмоқда. Биз университет жамоаси номидан устозимизни муборак 70 ёши билан самимий кутлаб, уларга тинчлик, хотиржамлик, сихат-саломатлик тилаб қоламиз.

З.МУҲАМЕДОВА,
ТАТУ қатта ўқитувчиси,
В.ЗАЙНИДИНОВА,
ассистент

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Фаргона Телеком» филиали жамоаси Кува, Олтиариқ ва Учкўприк телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари — **Улугбек СУЛТОНОВ, Музаффаржон НОСИРОВ ҳамда Музаффаржон МАНСУРОВНИ** таваллуд кунлари билан чин дилдан кутлайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, ишларида улкан зафарлар ва оилаларига тинчлик-осойишталик тилайди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси **Раимжон АТА-МЕТОВНИ** 50 ёши билан табриклайди. Унга узок умр, оилавий хотиржамлик, ёшларга таълим беришдек масъулиятли ишида омад ҳамisha ёр бўлишини тилаб қолади.



ADABIY-BADIIY SAHIFA

— Сенинг ит қилиқларингдан кўрақми. Шу қилиқларинг бошинга бир бало орттирмаса эди-я... — дейишди менга уйдагилар.
— Қўйсаларинг-чи! — деб қичқираман мен. — Нима бўпти қилиғимга? Бунинг ташвишини қилмай кўяқолинглар!

Қишлоқдаги баъзи ёши улуг оқсоқоллару ўқитувчи-устозлардан хайиқшишни ҳисобга олмаганда, бошқалар менинг мушумига "пишт" деёлмайди. Қани, кўрайин бош кўтарганини — ўзим тенги бола бўлса, мушт өйиши тайин! Аттанг, яратган эгам менга кўпам куч берган эмас-да, бўлмаса, бирорта одам олдимни кесиб ўтмас эди-я... Лекин, кучим бўлмагани билан, менда юрак бор, юрак, дарров муштлашувга киришиб кетаман. Шунинг учун "Шер" деган лақаб орттирганман-да. Қани, кимда бор "Шер" деган лақаб? Борми? Йўқ! Мана шунақа...

Бу йил мактабни битирдим-у, шаҳардаги ҳайдовчилар тайёрлайдиган курсда ўқий бошладим. Бир ой ичидаёқ шаҳарда ҳам "Шер" деган лақабимни тасдиқдан ўтказиб олдим. Номим кўшни қишлоқларга ҳам тарала бошлади. Қалай? Зўр эканманми?

Дам олиш кун эди. Шаҳарда юргандан кейин озода кийиниб, кўзга кўриниб юрай, деган ҳаёлга бордим-да, ҳаммомга тушдим.

Эрсин КҮЙБОҚАР ўғли
(Қозок адиби)

Ҳаммомда

(Ҳажвий ҳикоя)

Баданимни илиқ сув билан чайиб олдим-да, буғхонага кирдим. Суяк-суякларим юмшаб қолгандай туюлди, анчадан кейин у ердан чиқиб, жойимга қайтиб келсам, дедвай бир йигит менинг тоғорамни эгаллаб олибди! Ие, мана шу тоғорани сувга тўлдириб кетган эдим-а, манави занғар эса ҳе йўқ-бе йўқ, бировнинг сувидан, совунидан фойдаланмоқчимми хали?

Жоним чиқиб, қоним қайнаб кетгандай бўлди. Ерда ётган совун ҳам, мочалка ҳам меники эди. Манави даъюс эса мени одамимсан демай, бемалол сувимни шапиллатиб устига селиб, ювинаяпти!

— Бировнинг тоғорасини нега олсан? — деб хайқирдим қалт-қалт титраб.

— Бировники эканини қайдан билай, оғайни, ёзиб қўймаган-ку ахир, бўш тургандир, деб ўйладим...

— Мочалка билан совунни ҳам ерга туширибсан, сенинг ишинги бу? — дедим ҳамон ўзимни зўрга-зўрга босиб.

— Қайдан билай, оғайни, мен келганда устал бўм-бўш тургандай эди... Эгаси борлигини билганимда, сира қўлимни теккизмас эдим. Билмапман-да, эйтибор қилмабман...

— Нима, мени буғхонага кириб кетди, энди у ердан ўлиб чиқади, дедингми, аҳмоқ?! —

— Қичқирмасанг-чи, иним-ов, — ҳамон ширинсўзлик билан мени тинчлантирмоқчи бўларди ҳалиги ҳўкиз. — Ҳаммомнинг ичи кенг-кў, сен ҳам сифасан, мен ҳам... Бир чеккада туриб ювинавермайсанми. Лекин "аҳмоқ" деганинг чакки бўлди, майли, анов жойга ўтгин-да, ювинавер.

— Мана сенга!

"Шер" деган лақабимни шу ерда ҳам тасдиқлашти олгим келдими, ҳалиги йўғон йигитнинг жағининг тагига бор кучимни йиғиб туширдим. Муштим йигитга таъсир қилмади. "Ҳазиллашма!" дегандай, иягини қашиб қўйди, жолос. Мен эса вақтни ўтказмай иягининг тагига яна бир туширмоқчи бўлган эдим, бу гал улгурмадим, давонгир йигит бир қўли билан муштимни қоқиб юборди. Қандай ағанаб тушганимни билмайман, қарасам, ерда ётибман! Ҳаммомдагилар "қўйинглар-е, уят бўлади", деб орага тушгандан сўнггина, сал ўзимга келдим. Майли, бу йигит хали мени билмас экан, ҳечкиси йўқ, ҳозир билиб олади. Шиддат билан ўрнимдан сакраб турдим.

— Ўзингни босиб ол, иним, — деди йигит. — Яхшилаб чўмил, чиққандан кейин гаплашамиз.

Албатта, ҳаммомда муштлашган одам мазза қилолмайди, бунга менинг ҳам ақлим етди.

— Бўпти, — дедим дағдаға билан йигитнинг иягига тикилиб, — эшикнинг оғзида кутиб тураман! Қочиб кетмасан бўлди, нақ товукдай қилиб патингни юлмасан, юрган эканман!

— Ўзинг қочиб кетмасан бўлди! — деди у ҳам.

Ҳаммомдан енгил-өлги ювиниб чиқдим-у, эшик олдида ўтириб кута бошладим. Мени ким деб ўйлаяпти занғарнинг боласи? Мана энди "Шер"нинг кимлигини бир билиб қўядиган бўлдинг!..

Анча вақтгача эшик пойлаб турдим. Ким чиқса, ўша давонгир эмаскидан деб, дарров юзига қарайман. Қани чиқаверсин-чи, ёқасидан бўйиб, айлангириб-чирлангириб, сувга бўккан нондай ёқалпайиб қолгунча, уморимдан чиккунча дўппосламасам, "Шер" деган лақабимдан воз кечганим бўлсин!

Давонгир йигит ҳам кўриб қолдимни, ҳа деганда чиқавермади. "Тўхта, дедим ўзим-ўзимга, бу ерда кутиб тураверибман, у босқинчи бошқа эшикдан чиқиб қочган бўлсан-чи?" Югургилаб қассанинг олдига бордим.

— Ҳаммомга кириб-чиқадиغان асосий эшик шуми?

— Шу. Нима гап? — деди қассир опа.

— Биттасини кутиб турган эдим...

— Ие, ҳа-а... ҳалиям шу ердამисан?

Ҳаммомдаги таниш овоздан шартта орқага қайрилиб қарадим. Қарадим-у оёқ-қўлим қалтираб кетди: қаршимда боғги давонгир йигит мелиса кийимда дедвай бўлиб кулиб турарди...

Қозоқчадан
Музаффар АХМАД таржимаси

Раҳмат ёмғирлари ёққан ёмғирлари ёққан саҳарлар

(Эссе)

**Ёмғир ёғаяпти...
Болалигимдан ёмғир ёғаётган ҳузурбахш дамларни яхши кўраман. Нега одам таяш билан ўзининг чамбарчас боғлиқлигини айниқса ёмғир ёки қор ёғаётганда теранроқ аңгларкин? Қалбинг энг мусаффо, энг беғубор туйғулар билан тўлиб-тошади. Руҳинг шу қадар енгил тортадики, қуш бўлиб учмоққа, самоларни кучмоққа қодир сезасан ўзингни!..
Деразамни чертаётган ёмғирга, ялтираган томчиларга термулиб, болалигимни эслайман.**

— Эҳ-ҳей, ёмғир ёғаяпти! Дугонам Ойитилло ҳам худди ўзим. Ўша паллада у ҳам уйдан отилиб чиққан бўлади.

— Одамлар, одамлар, эшитиб қўйинглар, ёмғир биз учун ёғаяпти! — деб қичқиради у ҳам овозини баралла қўйиб. Қўл ушлашиб, боғ-роғлар, қирлару далаларда югуришиб-елишиб чарчамасдиқ. О, нақадар мазза! Бир сакрасанг, бошинг булутларга тегиб кетади, ҳаёлингга яраётган оташин оҳанглардан эса бутун ер юзи муаззам, агар уни тилга кўчирсанг, агар уни сўзга кўчирсанг борми!..

Шу пайт иккита сирли пақирни кўтарган энам дарвозадан чиқиб келади. Узокдан бўлса ҳам юрак-юракдан сезаман: ёмғирни кўриб, энам астойдил қувониб кетади. Пақирларини бир четга қўйиб, дуога қўл очадилар:

— "Аллоҳумма сойибан нафйан"..
— Гулиниса эна Қуръон тиловат қиляпти, қара, — дейди Мунис билағонлик билан. — Ё дуо ўқияптиларми?

Мен энамнинг дуосини қайтараман. Сеҳрли сўзлар таъсиридан Ойитиллонинг оғзи очилиб қолди.

— У нима дегани?

— Бизга Аллоҳ ўз раҳмати ва фазли билан ёмғир

ёғдирди, — энамдан ўрганганларимни намоиш этиш имкони туғилиб қолганидан ўзимда йўқ шод давом этаман. — Худога шукур қилишимиз керак. Бу, ахир, ризқу насиба, барака ёмғири. Аллоҳнинг раҳмати. Марҳаматингдан айланай...

Кейин энажонимдан пақирларни олиб, Оқсув ариғидан сув келтиргани жўнайимиз...

Олис болаликни кўмсаб, хотиралар дарёсида оқарканман, кўзлари хайратга тўла Муроджонга кўзим тушади. У ич-ичидан тошиб келадиган қувончини яширолмади:

— Ия, қачондан бери ёмғир ёғишини томоша қиляпсиз, ая. Сиз ҳам ёмғирни, ёмғир ёғишини яхши кўрасизми?

— Жуда!

— Ая, айтганчи, мен ёмғир ёғаётганда туғилганманми?

Гапларидан завқим ошиб, уни бағримга босаман. "Қор, оппоқ қор ёғаётганда", дейман. Ўша кун Фарғонамиз оппоқ либосга бурканган, ниҳоятда гўзал эди.

— Мен қор ёғаётганда нимага ўзимдан-ўзим суюниб кетавераман десам, шунинг учун экан-да, — катта бир жумбоққа жавоб топгандай севинади у. — Ая, кўчага чиқсам майлими? Мавлон билан стадионда ўйнайимиз.

— Майли, бора қол.

"Жикқа хўл бўлиб кетгунингча юрма. Дарров кел". Бу гапни айтгандан айтмаган маъқул. Барибир бефойда. Мириқиб, яйраб-ййраб ўйнаб тўймагунча, уйга асло қайтмайди. Худди ўзим...

Шу лаҳзада Муроджон қайтиб қиради:

— Ёмғир ёққанда ўқийдиган дуоингиз нимаиди?

— "Аллоҳумма сойибан нафйан"...

— Худо ўз раҳмати ва фазли билан ёмғир ёғдирди, дегани бу, шундайми? — савол назари билан боқади у, тўғри айтдимми, дегандек.

— Тўғри, барақалла!

Ўғлим бутун дунё сир-синаотидан воқиф бўлгандай, шод-хуррам ташқарига отилади.

Уни оstonада Наб тибат, фазлизи-барақотли ёмғир сеҳрли мусиқаси билан қарши олади.

— Шукур. Яратганинга, етказганинга минг қатла шукур, — дейман ҳаяжонланиб.

Ахир бу кунларга етмаганлар қанча, етиб туриб, унинг қадрини билмаган ношуқурлар қанча...

Ҳафиза САЛЯХОВА

Янгиерликман!..

Талабанинг ҳаёти қизик. Турли вилоятдан келган танишасан, уларнинг шеваси, турмуш тарзи, урф-одатларидан қисман бўласан-да хабардор бўласан...

Танишаётган одам билан суҳбат унинг қаердан эканлигини сўрашдан бошланади. Биров Хоразмдан, бошқаси Фарғонадан, яна бири Тошкентдан...

Ўзим болалигимдан география фанига қизиққанлигим учунми, негадир, фалон вилоятнинг фалон туманиданман деса, мен: «Ҳа, шу туманданми? У ерда мана бундай нарсаси бор», деб у ерликлар учун оддий бўлса-да, ўзим билган маълумотни айтаман. Лекин, негадир, мен одатда Сирдарёданман десам, кўпчилик Сурхондарё билан, Янгиерданман де-

сам, албатта, бирон-бир «янги» билан бошланувчи шаҳар билан адаштиради. Наҳотки, Сурхондарё ва Сирдарё ўртасида шундай ўхшашлик бўлса? Ёки география билимларимиз шунчалик торми?! Балки Сирдарё вилояти кичик вилоят бўлгани ёки Янгиер нисбатан янги шаҳар бўлгани учун шундайдир, деб ўзимни юпатаман. Баъзан таниш ҳамшаҳарларимни учратиб қолсам, улар ҳам Сирдарёни — Сурхондарёдан, Янгиерни — Янгийўлдан бошқа-бошқа жой эканлигини тушунтира олмаётганликларидан нолишади. Лекин беш қўл баробар эмас, деб беқорга айтишмаган. Яқинда бир нарсани эшитдимки, бу нарсаси бироз ҳайратланшимга, сабаб бўлди. Балки бу сизга ҳам қизик туюлар?..

Хуллас, навбатдаги дам олиш кунларида уйга борсам, узок вилоятга тушган опам меҳмон бўлиб келган экан. Суҳбат орасида айтиб берган бир ҳикояси диққатимни тортиди. Айтишича, янги борган жойида кўни-кўшниллар қаердансиз, деб сўрашганида, аввалига Янгиер-

дан деган опам, худди мен айтган «муаммо»га дуч келибди (ҳар бир одамга Янгиер тарихини айтиб беравериш ҳам жонга тегар экан). Опам кўп қаватли уйда турар, яқин атрофдаги қорхоналардан бирининг қоровули бўлган отахон уйлардан чиққан озиқ-овқат қолдиқларини олиб кетар экан. Бир кун у опамдан: «Қизим, асли қаерликсан?» — деб сўраб қолибди. Яна «тарих»ни титкилашдан безор бўлган опам қисқа қилиб биласизми?

— Ховосни дедимми?

— ...

— Гулистонни-чи? — деса, қутилмаганда чол ҳам:

— Мен уларни билмайман-у, Янгиерни биламан, — дебди.

Қутилмаган жавобдан довдираб қолган опам ҳовлиққанча:

— Вой, мен янгиерликман, мен ўша янгиерликман, — дея қувониб кетибди.

Отахон 60-йилларда бошқа вилоятлардан, қўшни республикалардан келган чўлуварлар қаторида Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган экан.

АЮБЖОН

Sport



FUTBOL

ТҮЙЛАР МУБОРАК!

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДАН БИРИ – “ПАХТАКОР” ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЭЛЛИК ЙИЛ ТҮЛДИ!

Ўзбекистонимиз фахри, ифтихори ҳисобланган жамоамиз нафақат республикаимизда, балки турли мамлакатларда ҳам Ватанимиз шаън-шавкати юқори кўтаришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Б.Абдураимов, Г.Красницкий, М.Ан, В.Фёдоров, В.Хадзипанагис, Т.Исоқов, В.Пшеничников, Х.Раҳматуллаев, А.Якубик, И.Шквирин, М.Қосимов ва бошқа кўпгина машҳур футболчиларимиз ютқлари “Пахтакор” билан ҳамбарчас боғлиқ.

“Пахтакор” собиқ Иттифоқ чемпионати “Б” классидagi дебют уйинини 1956 йил 8 апрел куни Молотов (ҳозирги Перм) шаҳри жамоаси билан ўтказган ва Лаазиз Мақсудов томонидан киритилган ягона тўп пахтакорчиларга галаба келтирган.

Ярим асрлик фаолиятида “Пахтакор” футбол ишқибозларининг фаҳрига айланди. Тошкентга “Пахтакор” уйинларини бевосита кузатиш учун ўн



минглаб ишқибозлар республикаимизнинг турли бурчакларидан келишарди. Бунда ўша даврларда жамоада тўп сурган футболчиларнинг беқиёс ҳиссалари бор.

Мустақиллик йилларида жамоа қайта шаклланди. Мамлакатимизнинг иқтидорли футболчиларини ўзида жамлаган “Пахтакор” нафақат республикаимизда, балки Осиёда муносиб мавқега эга бўлди.

Кеча пойтахтимиздаги “Пахтакор” Марказий стадионидида катта футбол байрами ташкил этилди. Ўзининг ярим асрлик тўйини муносиб нишонлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган “Пахтакор” футбол клуби раҳбарияти махсус дастур асосида футбол-шоу ташкил этди. Мазкур тантанада муҳлислар турли йилларда “Пахтакор” шарафини ҳимоя қилган Акмал Азиз-хўжаев, Аҳрол Иноятлов, Биродар Абдураимов, Василис Хадзипанагис, Андрей Якубик, Хорен Оганесян, Андрей Пятницкий, Валерий Кечинов, Миржалол Қосимов сингари футбол юлдузлари билан юзма-юз учрашдилар. Юртимизнинг таниқли санъаткорларининг чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

Сўнгра Россиянинг етакчи жамоаларидан бири “Торпедо” (Москва) ҳамда “Пахтакор” футболчилари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

SOG'LIGIM – BOYLIGIM

САРАТОН КАСАЛЛИГИ

Тилимизда “саратон” деб аталадиган рак касаллиги эпителий хужайраси тўқимаси бор бўлган барча органлар – тери, шиллиқ қаватлар, қизилўнғач, ўпка, меъда-ичак йўли, сийдик-таносил органлари, шунингдек, мия ва ҳоказоларда пайдо бўлиши мумкин.

Рак хужайралари жуда тез бўлинади ва ривожланади ҳамда атрофидаги соғлом хужайраларни емиради. Шунинг учун бу даволаниши мураккаб ва асорати оғир хасталиқ ҳисобланади.

Халқ табobatiда иттиканак ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма рак касаллигини даволашда қўлланилади. Дамлама тайёрлаш учун идишга ярим литр қайнаб турган сув қуйилади ва ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 2 ошқошиқ солиб, духовкага 12 соат қуйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига чорак стакандан 3-4 маҳал ичилади.

Халқ табobatiда, шунингдек, эркакларнинг қовуқ ости бези рак касаллигини даволашда қадимдан қушқўнмас ўсимлиги ишлатиб келинади. Бунинг учун касалга ҳар кун идишнинг ер устки қисмидан майдалаб, 1-2 грамм истеъмол қилиш буюрилади.

Қариқизнинг илдизи, барги ва гулидан ҳам шифобахш дориворлар тайёрлаш мумкин. Жумладан, илдизи кузда қавлаб олиниб, очиқ ҳавода қуритилади. Ўсимлик гуллаш даврида барги ҳамда гули йиғилади ва салқин жойда қуритилади. Қариқиз ўсимлиги таркибида инулин, эфир мойи, аччиқ ошловчи ва бошқа моддалар бор. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдизидан тайёрланган шарбат ва гулнинг қайнатмаси бу касалликни даволаш учун ичилади.

Зубтурумнинг қуритилмаган баргидан бир сикими эзилиб, 1 ошқошиқ шакар билан аралаштирилади ва иссиқ жойга 3 ҳафта қўйиб қўйилади. Ажралган ширадан ўпка ва меъда раки касаллигида 10-15 кун давомда кунига 3-4 қошиқдан ичилади. Сўнгра 15 кун дам олиб, яна даволашни такрорлаш керак.

MINI-FUTBOL

ЎЗБЕКИСТОН - ЯРИМ ФИНАЛДА

Пойтахтимиздаги “Юнусобод” спорт мажмуида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Ушбу нуфузли мусобақанинг гуруҳ ўйинларига яқун ясалди.



Куйида гуруҳ ўйинларида қайд этилган натижалар билан танишасиз.

“А” гуруҳи

- Ўзбекистон – Малайзия – 7:0
- Хитой – Хитой Тайпейи – 5:3
- Хитой Тайпейи – Ўзбекистон – 0:6
- Малайзия – Хитой – 1:4
- Ўзбекистон – Хитой – 4:1
- Малайзия – Хитой Тайпейи – 5:4

“В” гуруҳи

- Тожикистон – Ироқ – 4:2
- Япония – Гонконг – 12:0
- Ироқ – Япония – 0:2
- Гонконг – Тожикистон – 5:6
- Япония – Тожикистон – 11:6
- Гонконг – Ироқ – 6:2

“С” гуруҳи

- Қирғизистон – Австралия – 5:1
- Қувайт – Ливан – 5:5
- Австралия – Қувайт – 7:4
- Ливан – Қирғизистон – 3:7
- Қирғизистон – Қувайт – 2:0
- Австралия – Ливан – 6:4

“Д” гуруҳи

- Эрон – Туркменистон – 14:0
- Таиланд – Индонезия – 8:4
- Туркменистон – Таиланд – 1:8
- Индонезия – Эрон – 1:20
- Эрон – Таиланд – 6:3
- Туркменистон – Индонезия – 10:3



Ярим финал ўйинлари бугун бўлиб ўтади. Унда Эрон – Япония, Ўзбекистон – Қирғизистон ўзаро беллашиб, финал масаласини ҳал этади. Учинчи ўрин учун ҳамда финал ўйини шанба куни ўтказилади.

tlxabar@mail.uz

<p>МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КУБЕЕВ Шомансур ОБИДХУҲАЕВ Миродил САНГИЛОВ Рашидбек СУЛАЙМОНОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Асаджон ХУҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ</p>	<p>Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. <i>Муаллафларнинг фахрли тахририят фикридан фарақланиши мумкин.</i> Наширликдан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. <i>Тахририй материал — ①.</i> Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. <i>Рақам ва баҳолашларини ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.</i> Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Мавзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>754-G сонли буюртма. Офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адаби: 8502 ўсма.</p>										
<p>Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ</p>	<p>Маъзилими: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz</p>	<p>Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.</p>	<p>Саҳифаловчи: А. БУРИЕВ.</p> <p>Матн теруви: Д. МАТҚУРБОНОВА.</p>											
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Босишга тоширилади — 20.00. Босишга тоширилиши вақти — 20.00.</p>												
<table border="0"> <tr> <td>Жамоатчи муҳбирларимиз:</td> <td>Андижонда 46-47-80</td> <td>Бухорода 226-22-14</td> <td>Гулистонда 40-12-19</td> <td>Жиззахда 226-26-96</td> <td>Навоийда 222-56-30</td> <td>Наманганда 226-61-85</td> <td>Нукусда 222-14-63</td> <td>Самарқандда 34-06-71</td> <td>Термизда 224-06-12</td> <td>Тошкентда 133-36-48</td> <td>Урганчда 226-43-13</td> <td>Фарғонада 226-87-71</td> <td>Қаршида 23-04-89</td> </tr> </table>	Жамоатчи муҳбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 23-04-89
Жамоатчи муҳбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 23-04-89	

Самимий дўст, ажойиб инсон

Дўсту ўртоқлар билан гурас-гурас юрган олов кезларимизда уларнинг қайси бири ҳақиқий дўстлигини, эҳтимол, пайқамай ҳам қолармиз. Йиллар эса бамисоли элак — улардан энг сараларини қолдиради. Баъзан “элак”да қолмай, дўстга зор бўлиб ўтганлар ҳам йўқ эмас.

Мен Шодмон Отабекни тақдир насиб этган ҳақиқий, бебаҳо дўстим деб биламан ва шу жиҳатдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Билмадим, кимга қандай-у, лекин мен Шодмонбек билан ҳар қандай мавзуда очилиб-сочилиб, мириқиб гаплашаман, ўтир ҳазиллар қиламан, от тепкисини от кўтарди деганларидай, у ҳам мени аяб ўтирмайди.

Шодмонбекнинг бир одати бор — у кейин пайдо бўлди, бозор иқтисодиёти туфайли шакланган бўлса ҳам, ажаб эмас, — менинг ҳазил-хузул гапларимни қоғозга тушириб, газеталарга “пуллаб” юради. Шу жиҳатдан, бирон даврага борсам, “Ёнингизда Шодмонбек кўринмайди?” дея қочирим ҳам қилишадими...

Дўстим нафақат самимий ва дилкаш инсон, айти пайтда ажайиб иходкор, тўғриси адиб ҳамдир. Унинг “Ширмонбулоқ оқшомлари” китобига кирган қисса ва ҳикоялари мухлисларнинг доим ёдида. Қайта-қайта нашр бўлаётган “Дўрмон хангомалари” китобини гапирмай кўя қолмайлик.

Дўстимнинг ҳозир айти янги фикр, янги ғояларга тўлишган пайти. Янги асарлар ишқи юрагида тугён урмоқда.

Ёшлари бир жойга борган икки дўстнинг бир-бирига айтадиган энг эзгу тилаги нима — биласизми? Бу — мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр. Иходий зафарлари улкан муваффақиятлар ҳам шунга қараб бўлади-да!..

Шу боис, мен дўстимни кўтлуг 60 ёши билан табриклаб, доимо соғ бўлсин, узоқ умр кўрсин, дейман.

Мирпўлат МИРЗО,
“Ҳаҷон адабиёти”
журнали бош муҳаррири
ўринбосари

60 YOSHINGIZ MUBORAK BO'LSIN!



Шодмон ОТАБЕК — (Шодмонбек Эргашевич ОТАБОВЕВ) Андижон вилоятининг Булоқ-боши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетида таълим олган. Республика радиосида, Кинематография давлат қўмитасида, Тошкент Маданият институтида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида хизмат қилган. 1992 йилда “Xabar” газетасини ташкил этиб, 2003 йилгача, яъни ўн йил давомида бош муҳаррир сифатида уни бошқарган.

Шодмон Отабек нафақат моҳир журналист, балки республикамизда таниқли ёзувчидир. Унинг “Япроқдаги нур”, “Мирзакалон Исмоилий”, “Қорбўрон”, “Энг бахтли кун”, “Одамийлик синовлари”, “Шахмат абадийдир”, “Дўрмон хангомалари”, “Ширмонбулоқ оқшомлари” номли китоблари ва “Яхши кўнларда кўришайлик”, “Бир кам дунё” номли қиссалари нашр этилган.

Шу кўнларда Шодмон Отабек муборак 60 ёшга тўлади. Биз Шодмон акани ушбу кўтлуг сана билан қизгин табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ижодига улкан ютуқлар тилаймиз.

Ҳамиша яхшилик қилиб, доимо яхшилик кўриб юринг, деймиш.
“Xabar” газетаси жамоаси

Шодмон ОТАБЕК

Дўрмон хангомалари

Оёғини босмай туринг

Телекўрсатувда машҳур санъаткор Тамара-хоним билан сўхбатлашиши лозим бўлган суҳандон йигит олдиндан маслаҳатлашиб олади:

— Аяжон, кўрсатувимизнинг вақт-соати чегараланган, шунинг учун қисқа, лўнда гапириш керак. Мабодо хотираларга берилиб кетиб, гапингиз чўзилиб кетса, сизни қандай тўхтамаман?

Уйлай-уйлай йўлини топишди — суҳандон стол остидан секин аянинг оёғини босиб кўйса, бас — гапга нуқта қўйилади.

Ниҳоят, кўрсатув ҳам бошланади. Қўтиганидек, Тамарахоним санъат даргоҳига қандай кириб келгани, ҳамкасб ва устозлари, фронт ортида кўрсатган хизматлари ҳақида жўшиб-тошиб гапирверади. Эфир вақти якунланиб қолган, суҳандон келишилгандек аянинг оёғини секингина босиб кўяди. Шунда Тамарахоним ногоҳ гапидан тўхтаб, суҳандонга ажабсиниб юзланади:

— Ўғлим, гапимни охиригача айтовлай, оёғини босмай туринг!

Яна ўзим оламан

Раҳматли ёзувчи Йўлдош Шамшаров бир гапга тўлиб кетса, сира тўхтатиб бўлмас экан. Кўнлардан бир кўни кекса шоир Файратий билан Дўрмон боғларини айланиб юриб, тўхтовсиз гапирверади, гапирверади... Шу маҳал ногоҳ рўпарадан Эркин Воҳидов чиқиб қолади. Файратий нажот топилганидан суюниб, шундай дейди:

— Эркинжон, шу Йўлдош акангизни ўн минутга олиб туринг, қайтиб келиб яна ўзим оламан.

Чангитмай ўтинг

Советлар даврида, қизил мафкура ҳукмронлиги йиллари Андижон вилоят ёзувчилар уюшмасининг бир йиғилишида уюшмага узоқ муддат раҳбарлик қилган раис қўтилмаганда захматкаш шоир Восит Саъдуллага иттифоқ қилиб қолади:

— Восит ака, сиз жуда ҳам иззатталаб одамсиз. Нима, сизга энди ҳар қадамда буюрилиб таъзим қилишимиз керакми? Ахир, устоз Абдулла Қаҳҳор ҳам бир мақоласида “Мабодо, кўчада уч-тўрт қария турганини кўрсангиз, саломлашингиз, ишингиз зарур бўлса, олдинга ўтиб кетаверинг”, деган-ку!

Раҳматли Восит аканинг бунга жавобан айтган гапини андижонлик иходкорлар ҳали-ҳамон эслаб юришади:

— Майли, укажон, олдинга ўтсангиз бемалол ўтиб кетаверинг, — дейди ўшанда Восит ака, — фақат чангитмай ўтинг-да!

Мулоҳаза

Талабалик йилларимизда адабиётшунос олим Фулом Каримов билан журматли доғла-мик, таниқли олим Озод Шарофидинов ўрта-сида реализм масаласи юзасидан баҳс-мунозара роса қизганди. Ф.Каримов табиатан эҳтиёткор ва сермулоҳаза, О.Шарофидинов эса дандалчи ва жўшқинроқ, шу боис кўнгли-мизга яқинроқ эди.

Кўнлардан бир кўни иккала домла троллейбусда ишга келишадиган экан. Манзилга яқинлашганда Озод ака Фулом Каримовни огоҳлантиради:

— Домла, кейинги бекатда тушишимиз керак. Фулом Каримов бошини сал энгаштириб, кўзойнаги устидан Озод акага синквовлик билан қараб туриб, шундай дермиш:

— Сиз шундай деб ҳисоблайсизми, Озод Обидович? Менимча, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим!

Авжининг пули

Хоразмлик машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов қаҳратон қиш кўнларининг бирин-да Амурдарё соҳилидаги қишлоқда бўлаётган тўйга хизмат қилиш учун боради. Ўша йили музлаган Амурдарёдан юк машиналари бемалол ўта оладиган даражада қиш қаттиқ келган эди. Азбаройи томошабин кўнлигидан тўй очик жойда бўлаётган, совуқ захридан қўшиқ айтиш у ёқда турсин, хатто оғиз очиб ҳам душвор эди. Шунга қарамай, Комилжон ака бир амаллаб мухлислар кўнлига йўл топиб туради. Айрим кўшиқларни доирачиси билан жўровоз бўлиб айтиши лозим эди. Аммо ҳам-нафаси кўшиқнинг авжига келганда, миқ этмайди, шунда устоз уни секин туртиб, «Айтмайсанми?» дея ишора қилади. Совуқдан қалтираб қолган доирачи илтиҳо қилиб, дейди: «Устоз, майли, қўяверинг, менга авжининг пули керакмас!»

Ҳақини қўймайди

Ҳамза театри артисти Сайфи Олимов иш-тирок этидиган спектаклда уч улфат ўтириб, ичкилик ичадиган бир саҳна бор экан. Артистлар ўзаро маслаҳатлашиб, бир сўм-бир сўмдан (эски даврдаги нарх — Ш.О.) тўплашадди ва ўртага ростакам ароқ қўйишга келишишадди. Воқеалар ривожига кўра, хизматкор хонтахтага ароқни қўйиб кетган, оғайниллар базми жам-шидни бошлаши лозим эди. Ниҳоят, ўша саҳнага навбат келади. Хизматкор ўртага ароқни қўяди-ю, аммо ўзи чиқиб кетмай, қоқилган қозилдай гўдайиб тураверади. Артистлар томоғи тақиллаб, бетоқаб бўлишади. Даф бўл, дея имо-ишора қилишса ҳам хизматкор пина-гини бўзмайди. Ахирини, Сайфи ака чидолмай, спектаклда йўқ сўзни айттиради:

— Хўш, нимани кўтиб турибсан?
— Мен ҳам бир сўм қўшганман, ҳақимни беринглар! — дейди хизматкор ароқдан кўз узмай.

Хорижий табрик

Бир вақтлар Фарғона водийсидида дилкаш, афандимижоз ёзувчи ва журналист Адҳам Хамдамнинг номи машҳур эди. У Фарғона вилоят газетасида, ҳамкасби Санжар Тилла эса Наманган вилоят газетасида бош муҳаррир экан.

— Адҳам, мана, яқинда газетамизнинг юбилейи бўлади. Қандай қилсак тантана яхши ўтаркин? — дея Санжар ака ҳамкасбидан маслаҳат сўрайди.
— Э, шунга ҳам бош қотириб юриб-

санми? — дейди Адҳам ака. — Москвадаги жамки хорижий элчионаларга “Бизни юбилей билан табрикларанг”, дея телеграмма юборасан — тамом-вассалом! Ҳаммаси зўр бўлади!

Санжар Тилла анча содда одам эди. Дўстининг гапига кириб, марказдаги жамки элчионаларга телеграмма юборади. Натижада бу воқеа атрофида анча-мунча шов-шув бўлади. Оқибат — ҳазилни тушунмайдиган бош муҳаррирни обкомга чақириб, роса пўстагини қоқишади.

Аммасига ўхшаркан

Япониядан келган сайёҳлар Фарғона вилоятига ташириб буюришади. Вилоятнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга, бир жамоа ҳўжалигининг сўлим боғида эиё-фат бошланади. Меҳмонлардан бири — кекса кампир нимадандир норози бўлади-ю, юпатишлар ҳам қор қилмай, хархаша қила бошлайди. Арзимаган межоро ҳам катта қўнғилсизликларга олиб келиши мумкинлигини билган раҳбарлар типирчилаб қолишади. Ахирини, мезбонлар сафида жимгина қулимсираб ўтирган Адҳам Хамдам секин кампирнинг рўпарасига келади-ю, рўмолчасини олиб, юм-юм йиғлайверади. Кампир ҳайрон бўлиб, тилмоғча қарайди.

— Яхши кампир экан, худди ўлиб кетган раҳматли аммамга ўхшар экан!
Тилмоғча бу гапни таржима қилиб берганда, кампир дарҳол хархашани бас қилади.

Пули йўқ экан

Шоир Шукрулло «Шарқ юлдузи» таҳририятига тез-тез келиб турар (70-йилларда журнал таҳририяти Пушкин кўчасида, ҳозирги «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг қаршисидида эди), гоҳо ходимлар — Шукур Холмирзаев, Зоҳир Аълам, Турсун Иброҳимов, Тоҳир Қаҳҳоровлар билан улфатчилик ҳам қилар эди. Табиатан саҳий, танти шоирни яхшироқ эритишнинг синалган усули — ширин сўз, мақтов (шоир халқи ҳам хом сўт эмган банди — яхши сўзнинг гадоси) эди.

Кўнлардан бир кўни ходимлар ишлаб ўтирган хонга Шукрулло ака кириб келди. Салом-алиқдан сўнг четроқда ўтирди. Қўринишдан шашти пастроқ, негадир кўраги очик, соч-соқоллари ўсиб кетган, хаёли паршон эди. Ходимлар ўзаро андан кўз уриштириб олишган, эритиш зобиди анча мутахассис бўлиб қолган Шукур ака секин, аллалаб гап бошлади:

— Шукрулло ака! Бугун кўринишингиз жуда бошқача, юзингиздан, бутун сиймонгиздан ажайиб бир нур ёғилиб турибди. Ҳатто, ўсиқ соч-соқолнинг ҳам ўзингизга ярашган. Туфтуф, кўз тегмасин.

Шукрулло ака негадир безовталанар, тиканак соқолини, икки лўнжини аҳён-аҳён асабий силаб кўяр эди. Шукур ака эса темирчи қизигада босмоқчи бўлиб, яна мактоғга зўр берди. Ахирини, Шукрулло ака чидолмай, портлаб кетди. Тошкент лажжасида, чуқук тил билан айтот қилди:

— Ман санга боятдан буён ҳозир пулим йўқ девомман-ку, аблаҳ!